



## МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ АСОСИЙ КУТУБХОНАСИНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИ

*Уралова Р.М.*

*ЎзДСМИ Олий таълим муассасаси кенгаши котиби*

**Таянч сўзлар:** ватанпарварлик, адабиётлар тарғиботи, уруш шароитларига мослаштириш, ўзаро ҳамкорлик, қайта тиклаш, фронт орқаси, муҳим объект.

**Ключевые слова:** патриотизм, пропаганда литературы, адаптация к условиям войны, взаимное сотрудничество, восстановление, тыл фронта, важный объект.

**Key words:** patriotism, propaganda of literature, adaptation to war conditions, mutual cooperation, restoration, rear of the front, important object.

Иккинчи жаҳон уруши бошланишининг дастлабки кунларидаёқ “Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун” шиори амал қилиши натижасида Ўрта Осиё давлат университети илмий кутубхонасининг фаолият доираси сезиларли даражада қисқарди. Университет профессор-ўқитувчиларининг мамлакатдаги бошқа кутубхоналар билан илмий маҳсулотлар алмашуви уларни нашр этиш тўхтаб қолганлиги туфайли деярли издан чиқди.

Кутубхоналарнинг фондларини адабиётлар билан тўлдириш ва фойдаланувчиларнинг кутубхоналарга қатнови қисқариб бориши бараварида уларни молиялаштириш ишлари ҳам чекланиб борди. Ана шундай оғир вазиятда маданий-маърифий муассасалар, жумладан, кутубхоналар ишини уруш шароитларига мос равишда қайта қуриш тўғрисида бир қатор давлат қарорлари эълон қилинди. Кутубхоналар фаолиятининг марказида адабиётлар тарғиботини, айниқса, фойдаланувчилар, аҳоли ўртасида ватанпарварликка оид адабиётлар тарғиботини кенг даражада амалга ошириш энг муҳим вазифа сифатида белгилаб берилди. Уларда кутубхоналарда ҳар куни газеталар ўқишни йўлга қўйиш, китоб кўргазмалари ташкил этиш, энг муҳим мавзулардаги адабиётлар рўйхатини тузиш тавсия қи-

линган эди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида, илмий жамоаларга, сафарбар қилинганларнинг йиғилиш пунктларига, ҳарбий қисмлар ва госпиталларга, ҳарбий мудофаа ва сиёсий адабиётларга эга бўлган кўчма кутубхоналар билан хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор берилди.

Ўрта Осиё давлат университети ректори томонидан 1941йил 15 декабрда чиқарилган буйруқ уруш йилларида илмий кутубхоналарнинг роли ҳақида тўла маълумот бера олади. Мазкур буйруқда “Тошкентга эвакуация қилинган 17 та олий ўқув юртлари иш олиб бораётганлиги муносабати билан университетнинг фундаментал кутубхонасига олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабаларига хизмат кўрсатиш миқёсини кенгайтириш мажбурияти юкланган” (2. С.25).

Шунга кўра, кутубхонанинг иши вақти кечки соат 23:00га қадар узайтирилди, ҳар бир ўқув залида кутубхоначилар билан биргаликда университет ўқитувчилари ҳам навбатчиликка қўйилди. Бу йилларда чиқарилаётган китоб маҳсулортларининг умумий тиражи “1940 йилга нисбатан икки баравардан кўпроқ, рўзномаларнинг йиллик тиражи икки ярим баравар, илмий журналлар, илмий муассасалар томонидан тайёрланадиган асарлар ва илмий ахборотлар саккиз баравар қисқарди” (3. Б. 83)

Ўқув қўлланмалар, дарсликлар етишмовчилигининг ўрнини тўлдириш мақсадида кутубхона ва университет жамоатчилиги томонидан конспектлар, ҳисоботлар, курс ишлари талабаларнинг фойдаланиши учун қўшимча материаллар сифатида тавсия этиб борилди. Умуман олганда кутубхона ўз фойдаланувчиларига адабиётлар билан хизмат кўрсатишни муваффақиятли тарзда амалга ошира борди. 1942 йил бошларига келиб кундалик китоб бериш 1110 нусхага етди, ҳолбуки 1938 йилда бу кўрсаткич 540 нусхани ташкил этган эди.

Кутубхона фойдаланувчилари дастлаб фақат профессор-ўқитувчилар ва талаблардан иборат бўлган бўлса, эндиликда ишчилар ва инженер техник ходимлар улар сафига қўшилди.

Илмий-техник ва бадий адабиётларга, М.Шолохов, К.Симонов, А.Алигер, А.Твардовский сингари ёзувчиларнинг ҳарбий мавзудаги асарларига талаб кучайиб борди. Кутубхонага Иттифоқ ва республика миқёсида таниқли бўлган олимлар-С.Е.Бертельс, М.С.Андреев, А.Н.Большдырев, И.И.Боровиков, Л.З.Писаревский, А.Н.Кононов, Н.К.Пиксанов, А.А.Семенов, А.Г.Саадий, В.Ю.Зоҳидов, В.В.Решетов, И.И.Умняков, М.Ф.Гаврилов, Ш.Шомухамедов, Л.Мақсудов, Л.Ҳамроев ва бошқалар ташриф буюрдилар.



Ушбу йилларда кутубхона ишининг ривожланишига собиқ СССР Фанлар Академияси Президиумининг ва унинг бир қанча етакчи илмий-тадқиқот муассасаларининг кўчириб келтирилиши фаол таъсир кўрсатди. Тошкент шаҳрининг ўзида уруш вақтида собиқ СССР Фанлар Академиясининг академиклари ва мухбир аъзолари, фан докторлари, академия муассасаларининг 350 дан ортиқ вакиллари, таниқли фан арбоблари меҳнат қилдилар. Техника ва илмий кутубхоналар билан биргаликда Ўрта Осиё давлат университети илмий кутубхонаси ҳам ўз ишларини қайта кўриб, биринчи навбатда мудофаа корхоналарининг, шунингдек, ҳарбий фан ва саноат масалалари билан шуғулланаётган мутахассисларнинг эҳтиёжларини тезлик билан тўлиқ қондиришга ҳаракат қилдилар. Тошкент шаҳридаги завод ва фабрикаларда иш тартибининг ўзгариши кутубхоналарда китобхонларга хизмат кўрсатиш соатларини ўзгартиришини талаб қилар эди.

Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси сингари Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий кутубхонаси ҳам шаҳардаги электр энергияси билан таъминлашдаги қийинчиликларга қарамасдан, доимий равишда ёритиб турилди ва энг муҳим объектлар қаторидан жой олди. Кутубхона республикамиздаги турли шаҳарлар ва туманлар кутубхоналари билан ҳамкорликда китобхонлар конференциялари, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ривожланиш ҳолати ҳақида кечалар ташкил қилди. Ушбу тадбирларга раҳбарликни университет ўқитувчилари ва кутубхона ходимлари иштирокида тузилган махсус тарғибот бюроси амалга ошириб борди. Мамлакат меҳнаткашларининг меҳнат қаҳрамонликлари ҳақидаги китоблар кўرғазмалари, янги адабиётлар, айниқса вақтли матбуот нашрларининг шарҳларига доир суҳбатлар, фронтдаги ҳарбий аҳвол, халқаро сиёсий аҳвол ҳақидаги маърузалар университет профессор-ўқитувчилари ва кутубхона ходимлари ҳамкорлигида мунтазам ўтказиб борилди.

Кутубхона томонидан доимий равишда бошқа кутубхоналарнинг фондини сақлаш ва тўлдириш учун ёрдам кўрсатиш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Жумладан, урушнинг дастлабки ойларида Максим Горький номидаги Одесса илмий кутубхонасининг 1758 нусхадаги қимматли ва ноёб китобларини вақтинча сақлаш учун қабул қилиб олди. Самарқанд давлат университети вақтинча ўз фаолиятини тўхтатганлиги муносабати билан унинг кутубхонасининг 5000 нусхадаги китобларини ўз фондига қабул қилди.

Ўрта Осиё Давлат университети илмий кутубхонаси ходимлари госпиталлар ва бошқа тиббий муассасалар устидан оталиқни амалга оширди-

лар, уларни зарур адабиётлар билан таъминлаш ишларига етакчилик қилдилар, кўргазмалар ва адабий учрашувлар ташкил этдилар, овоз чиқариб бадиий ўқишлар уюштирдилар, суҳбатлар ташкил қилдилар. Госпиталлар ва ҳарбий қисмларга хизмат қилиш учун мўлжалланган махсус кўчма фондлар “1941 йилда А.Навоий номидаги Давлат халқ кутубхонасида, 1942 йилнинг бошларида Ўрта Осиё давлат университетининг асосий кутубхонасида вужудга келтирилди.” (3. Б. 79).

Ушбу фондлардан Чирчиқ, Янгийўл эвакуация госпиталларига, моторлаштириш ва механизациялаш академиясига, ҳарбий-тиббиёт академияси сингариларга кўчма кутубхоналар ташкил этиб берилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида босқинчилардан озод қилинган минтақалардаги кўпгина кутубхоналарнинг фондлари қайта тикланишига ёрдам берилди.

“Жумладан, Ростов университетига 2433 нусха, Одесса университетига 550 нусха, Украинадаги бошқа олий ўқув юртлари кутубхоналарига 688 нусхадаги китоблар жўнатилди.

Бундан ташқари, озод қилинган туманлар кутубхоналари учун 18195 нусхадаги китоблар ва газеталар етказиб берилди. Республика маориф халқ комиссарлиги қарорига кўра мактаблар ва оталиққа олинган ташкилотлар кутубхоналари фондини тўлдириш учун 8175 нусхадаги китоблар ажратилди” (2. С. 26).

Озод қилинган минтақалардан ўқув юртлари кутубхоналари ишини тиклаш учун амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида методик хужжатлар ишлаб чиқилиши, кутубхоначилик ишининг турли йўналишлари бўйича маслаҳатлашувлар амалга оширилиши ушбу соҳада муайян меъёрга туширилган фаолиятнинг амалга оширилишига ёрдам берди. Кутубхона қошида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсининг ташкил этилиши маҳаллий кутубхоналарни ходимлар билан таъминлашдан ташқари, уларнинг кўпчилигини озод қилинган минтақалар кутубхоналарида ишлаш учун жўнатиш имкониятини ҳам яратди. Умуман, 1944 йил охирига келиб аҳвол бирмунча яхшилана бошлади. “Союзпечать” ҳар бир кутубхонани ва бошқа маданият муассасаларини марказий ва маҳаллий рўзномалар билан таъминлашни ўз зиммасига олди. Уруш йилларида ташкил этилган Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг асосий кутубхонаси сингари Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонаси ва Ўрта Осиё давлат университети илмий кутубхонаси ҳам фан ва техниканинг барча тармоқлари бўйича собиқ Иттифоқда нашр этиладиган барча босма маҳсулотларнинг бепул мажбурий нусхасини доимий олиб тура бошлади. 1944 йилнинг ўзидан кутубхона чет эл нашрларини ҳам сотиб ола бошлади” (3. Б.83).



Бутун мамлакат бўйича йирик олий ўқув юрглари ва марказий илмий муассасалари, йирик саноат корхоналарининг Тошкентга эвакуация қилиниши натижасида жуда катта китоб фондининг ташкил топишига олиб келди.

1945 йилнинг 1 январига қадар ушбу фонд 500000 нусхага етди, фойдаланувчилар сони 3800 гача кўпайди. Уруш йилларида кутубхона турли илмий-тадқиқот муассасалари буюртмалари бўйича Ўзбекистондаги фойдали қазилмалардан халқ хўжалиги эҳтиёжларига кўра фойдаланиш мақсадида зарур илмий маълумотларни аниқлаб ва уларнинг рўйхатини тузиб, маълумот-библиография ишларини изчил давом эттирди.

1945 йилда Ўрта Осиё давлат университети ва республика Фанлар Академияси ҳамкорлигидаги чўл майдонларини ўрганиш мақсадида ташкил этилган экспедицияларнинг илмий натижаларини акс эттирувчи “Уст-Юрт ва Мангишлоқ библиографиясига оид материаллар” номли ўлкашуносликка оид библиографик кўрсатгич тўла яқунланди. Ушбу аннотацияли кўрсатгичда юқорида таъкидлаб ўтилган минтакаларнинг табиати, тарихи ва иқтисодига оид 1725 та манба қармаб олинган. Кутубхона рус олимларининг Ўрта Осиёга амалга оширилган экспедициялари илмий натижаларини аниқлаш ва ўрганиш бўйича ҳам катта ишларни олиб борди. Бу олимлар фаолиятини шарҳлаш учун кўпгина материалларни умумлаштириш имкониятини кенгайтди. Газета-журналлар мақола-ларига оид картотекалар янги материаллар билан бойитиб борилиши натижасида фақат 1944-1945 йиллардагина 19215 картотека жамланди. Уруш йилларида библиография бўлимининг тажрибали ходимлар билан тўлдирилиши натижасида унинг фаолияти сезиларли даражада яхшиланди. Ушбу ходимлар орасида 1940 йилдан ўз фаолиятини бошлаган Ольга Васильевна Маслованинг хизматлари каттадир. У Ўрта Осиё давлат университети библиография бўлими бошқарувига келгунга қадар 1915 йилда Петроград олий аёллар курсининг тарих-филология йўналишини, 1923 йилда Туркистон Шарқшунослик институтининг Эрон бўлимини битирган, Тошкент Педагогика лабораториясининг тарих кабинетига, Марказий статистика бошқармасининг кутубхонасига раҳбарлик қилган, Алишер Навоий номидаги Республика кутубхонасининг библиографи лавозимларида ишлаган эди.

Унинг фаолияти-китоб бойликлари мазмунини тўла очиб бериш, улардан барчанинг кенг ва тенг фойдаланиши учун имконият яратишдан иборат бўлган асосий мақсадга қаратилган эди. О.В.Маслова “Туркистон тўплами”га, “Ўрта Осиё халқ хўжалиги” журнаliga кўрсатгичлар тузиш

ишларида доимо фаол қатнашиб келди. Ўрта Осиё давлат университети кутубхонасининг иккинчи жаҳон уруши давридаги фаолияти республика ҳукумати томонидан эътироф этилиши натижасида унга 1944 йилда иккинчи категория берилди, штатлар бирлиги кўпайтирилди, кутубхона ходимларининг маошлари оширилди. Бу кутубхона фаолиятининг янада ривожланиши учун кўшимча омил вазифасини бажарди.

Умуман, иккинчи жаҳон уруши йилларида ушбу урушнинг хусусияти, мақсадларини тушунтириш, жамият аъзоларини фронт эҳтиёжларини таъминлашга сафарбар қилиш, аҳоли ўртасида ҳарбий билимларни тарғиб этиш университет илмий кутубхонасининг фаолиятида биринчи даражали аҳамият касб этди. Илмий кутубхона энг асосий вазифаларни ҳал этиш учун ўзининг барча заҳираларини сафарбар қила билди. Ишлаб чиқариш жамоаларини ва илмий муассасаларни китоб билан таъминлашга қаратилган иш шакллари ривожлантирилди, барча қийинчиликларга қарамасдан, оммавий иш шакллари: маърузалар ўқиш, китоб кўргазмалари, суҳбатлар, овозли ўқишлар, китобхонлар конференциялари каби шакллардан фойдаланиш фаоллаштирилди. Кутубхона фаолияти халқ хўжалигини ҳарбий изга мувофиқ қайта куриш, фронт орқасини мустаҳкамлашда онгли равишда ва бутун кучларини сарфлаган ҳолда иштирок этиш ва ғалабани таъминлаш учун тўла сафарбар этишга қаратилди.

#### Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. 3-нашри Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2022.-440 бет
2. Кормилицы Н.А.И.Научная библиотека Ташкентского Государственного университета (1918-1993). Ташкент, 1996.-98 с
3. Қосимова О. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. Т.: Ўқитувчи, 1992.-192б.
4. Охунжонов Э. Ваган кутубхоначилиги тарихи. Давлат. Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008.-308б
5. Мўътабар зиё маскани (1918-2008). Тошкент, Ғофур Фулом номидаги НМИУ, 2008.-152б

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўрта Осиё давлат университети илмий кутубхонасининг (Ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети асосий кутубхонаси) Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги фаолияти ёритилган.

#### РЕЗЮМЕ

В научной статье освещена деятельность научной библиотеки Среднеазиатского государственного университета (ныне главная библиотека Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека) в годы Второй мировой войны.

#### SUMMARY

The article highlights the activity of the scientific library of the Central Asian State University (now the main library of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek) during the Second World War.